

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ ҲУҚУҚ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

Баркамол авлод – мамлакат келажяги

ДАВЛАТ ДАСТУРИНИНГ МОҲИЯТИ ВА АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ



2010 йилнинг юртимизда «Баркамол авлод йили» деб эълон қилинганлиги замирида, аввало, баркамол авлодни камол топтириш йўлидаги эзгу ишларни изчил ва қатъиятлик билан давом эттириш, болаларни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажягини қўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш мақсади ётади, десак муболаға бўлмайди. Шу маънода, республикамиз Президентининг жорий йил 27 январдаги қарори¹ билан тасдиқланган «Баркамол авлод йили» Давлат дастури теран мазмун ва мақсадларни кўзлаганини таъкидлаш лозим.

«Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт!»

И.А.Каримов.

Мазкур Давлат дастури 11 бўлим ва 101 бандни ўз ичига олган бўлиб, унда белгиланган тадбирларни амалга оширишга жами 7898,03 млрд сўм ва 165,43 млн доллар миқдорида маблағ сарфланиши кўзда тутилган. Бу рақамлар Дастурнинг кенг кўламини кўрсатиш баробарида, унинг қуйидаги ижтимоий-сиёсий аҳамиятини ҳам ифодалайди, хусусан:

биринчидан, болалар ва ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида мавжуд ҳуқуқий базани такомиллаштириш;

иккинчидан, соғлом авлодни вояга етказиш, тиббий хизмат тизимини такомиллаштириш ва соҳанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш;

учинчидан, таълим соҳасида барпо этилган моддий-техник базадан оқилона ва самарали фойдаланиш, давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий адабиётларни такомиллаштириш;

тўртинчидан, таълим жараёнига янги ахборот-коммуникация ва педагогик технологияларни кенг жорий этиш;

бешинчидан, ёш авлоднинг жисмоний тарбияси ва болалар спортини янада ривожлантириш;

олтинчидан, ёшларни, авваломбор, касб-хунар коллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларини, айниқса, қишлоқ жойларда тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш;

еттинчидан, ёшларнинг ижодий, илмий ва интеллектуал салоҳиятини амалга ошириш кафолатларини кенгайтириш;

саккизинчидан, ёш оилалар тўғрисида гамхўрликни кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофазасини таъминлаш;

тўққизинчидан, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш.

Давлат дастурининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш олдимизда турган аҳамиятли вазифа-

лардандир. Бунинг учун амалдаги норматив-ҳуқуқий базани инвентаризация қилиш, «Алкоголли ичимликлар ва тамаки тарқатилиши ҳамда 20 ёшга тўлмаган шахслар томонидан алкоголь истеъмол қилиш ва тамаки чекишни чеклаш тўғрисида» ва «Вояга етмаганларнинг назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарлиги профилактикаси тўғрисида» сингари бир қатор янги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш вазифалари белгиланган.

Бундан ташқари фертил ёшидаги аёлларни ва 14 ёшгача бўлган қиз болаларни 100 фоиз камраб олган ҳолда чуқурлаштирилган комплекс тиббий кўриқларни ташкил этиш, репродуктив саломатлик ва улар соғлигини муҳофаза қилиш соҳасида тиббий ёрдам сифатини ошириш, тиббиёт ва соғломлаштириш муассасалари учун бинолар қуриш ва реконструкция қилиш, даволаш-профилактика муассасаларини замонавий тиббий ва лаборатория ускуналари, мебель билан жиҳозлаш, аҳоли овқатланиши сифатини яхшилаш дастурини амалга оширишни давом эттириш лозим. Дастурнинг ушбу йўналишдаги муҳим тадбирлари доирасида 74 та қишлоқ врачлик пунктларини тўлиқ ва 2 315 тасини қўшимча равишда жиҳозлаш белгиланган.

Ушбу ўринда шунини алоҳида қайд этиш керакки, 2010 йилда давлат бюджетининг 50 фоиздан кўпроғи мамлакатимизда фақат таълим-тарбия ва соғлиқни сақлаш соҳаларини ривожлантиришга йўналтирилади.

Давлат дастурида давлат таълим стандартларини, ўқув дастурлари ва ўқув адабиётларини такомиллаштириш, олий ва ўрта маҳсус таълим тизимида таълим йўна-

лишлари ва мутахассисликларини бугунги кун талаблари нуктаи назаридан қайта кўриб чиқиш, ўқув жараёнига янги ахборот ва педагогик технологияларни кенг жорий этиш, болаларни комил инсонлар этиб тарбиялашда жонбозлик кўрсатадиган ўқитувчи ва мураббийларга эътиборни янада ошириш йўналишларида аниқ чоратадбирлар белгиланган.

Айни пайтда қабул қилинган дастурда касб-хунар коллежлари ва олий ўқув юртларини битириб чиқаётган ёшларга эғаллаётган энг замонавий билим ва кўникмаларни амалда жорий этиши учун уларни кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасига кенг жалб қилиш йўналишидаги чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, ушбу Дастурга мувофиқ ёшлар учун камида 520 минг янги иш ўринларини, шу жумладан кичик корхоналар, фермер хўжаликлари ва яқка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантиришда – 345 минг иш ўрни; янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш ва ишлаётганларини кенгайтириш, ишлаб чиқариш, ижтимоий ва бозор инфратузилмасини ривожлантиришда – 71 минг иш ўрни; касаначиликни, шу жумладан оилавий тадбиркорлик ва хунармандчиликни кенгайтиришда – 104 минг иш ўрнини ташкил этиш кўзда тутилганлиги аҳамиятлидир.

Хулоса қилиб айтганда, «Баркамол авлод йили» Давлат дастурининг самарали ижро этилиши мамлакатимизда баркамол авлодни камол топтириш йўлидаги эзгу ишларни яна бир поғона юқорига кўтариш, болалар ва ёшларни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялашга хизмат қилади.

Шухрат ФАЙЗИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Амалдаги қонун ҳужжатлари
мониторинги институти
директори, ю.ф.д.,
профессор.

МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК – ЖАМИЯТ БАРҚАРОРЛИГИ ОМИЛИ

Мамлакатимиз Президенти Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик, турли миллат ва элат вакиллари ўртасидаги дўстлик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик мустақиллик берган бебаҳо бойлигимиз ва энг катта ютугимиздир. «Ижтимоий фикр» жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган навбатдаги ижтимоий тадқиқот мазкур муҳим мавзуга бағишланди.

«Кўп миллатли Ўзбекистон» сўровида республикамизнинг барча вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳри аҳолиси вакиллари иштирок этди. Ушбу ижтимоий тадқиқотдан кўзланган асосий мақсад Ўзбекистонда миллатлараро муносабатларнинг ривожланиш тенденциялари, жамиятимизда фуқаролар тинчлиги, барқарорлиги ва ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилаётган шароит ва омиллар мамлакатимиз аҳолиси томонидан қандай қабул қилинаётганини аниқлашдан иборат эди.

Сўров давомида олинган маълумотлар ҳамда уларни аввалги мазкур мавзуга бағишлаб ўтказилган тадқиқотлар билан солиштириш натижалари шунини яққол кўрсатдики, бағрикенглик мамлакатимиз фуқароларига хос олижаноб фазилат ва ҳаётий мезон ҳисобланади. «Юртимиздаги миллатлараро муносабатларни қандай баҳолайсиз?» деган саволга, миллати, яшаш жойи, жинси, ёши, оилавий ва ижтимоий мавқеи, таълим даражасидан қатъи назар, аксарият сўров қатнашчилари (98,3 фоиз) мамлакатимизда ўзларини эркин ва яхши ҳис қилишларини айтган.

Сўров Ўзбекистон халқининг истиқлол йилларида эришган энг катта ютуғимиз тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро ва фуқаролар ўртасидаги ҳамжиҳатлик эканини теран англашини (иштирокчиларнинг 97 фоизи) яна бир қарра тасдиқлади. Қарийб 100 фоиз аҳоли жамиятимизда мана шундай тинчлик ва осойишталик муҳитининг барқарорлиги ва тобора мустаҳкамланиб бораётганини Юртбошимиз Ислоҳ Каримовнинг оқилона сиёсати натижаси, деб билади.

Сўровда аҳолининг мамлакатимизда миллатлараро муносабатларнинг уйғунлашуви таъсир кўрсатадиган асосий омиллар бўйича фикрлари ҳам аниқланди. Тадқиқот натижалари жамиятимизда ватанпарварлик ҳисси тобора кучайиб бораётганини кўрсатмоқда. Деярли барча фуқаролар Ўзбекистонни ўзининг жонажон Ватани,

деб билади ҳамда ўз салоҳиятини намойён этиши учун бу ерда барча имкониятлар яратилган, деб ҳисоблайди. Ҳозирги ва аввалги сўровларнинг қиссий натижалари шунини кўрсатадики, бундай фикрларни биринчи галда ёшлар, жамиятнинг фаол ва меҳнатга лаёқатли кишилари баён этганлиги диққатга сазовордир. Бундай хулоса Президентимиз Ислоҳ Каримов ташаббуси билан жорий йилда изчил амалга оширилаётган «Баркамол авлод йили» Давлат дастурига ҳамоҳанглиги билан аҳамиятлидир.

Конституцияимизда мустаҳкамлаб қўйилган фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари мамлакатимизда тўла таъминланаётгани жамоатчилик томонидан юқори баҳоланмоқда. Буни сўровда қатнашганларнинг 95,4 фоизи тасдиқлади. Бундан ташқари, аксарият ўзбекистонликлар давлат тилини эғаллаган, билмаганлар эса, ўзбек тилини ўзлаштириб, фарзандларига ҳам ўргатиш истагида эканини баён этган.

Аҳолининг аксарият қисми (98,3 фоиз) жавобларига фуқаролар ва миллатлараро тотувлик юксак даражада кадрланишига қатъий ишонч билдирган.

Сўровда Ўзбекистон фуқароларининг мамлакатимиздаги барқарорлик, миллатлараро тотувликни таъминлаш, халқ фаровонлигини оширишга хизмат қиладиган барқарор ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий вазиятни ижобий баҳолаши яққол намойён бўлди. Бу эса аҳолининг миграцион кайфиятларида ҳам ўз аксини топган: миллатидан қатъи назар, кўпчилик аҳоли (96,8 фоиз) Ўзбекистондан кетишни истамайди.

Сўров иштирокчилари Ўзбекистон эришган ютуқлар Юртбошимиз раҳнамолигида ҳаётимизнинг барча жабҳаларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар доирасидаги инсонпарварлик, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий барқарорликка асосланган оқилона сиёсатнинг бевосита ва табиий самараси эканлигини алоҳида қайд этди.

ЎзА материаллари асосида тайёрланди.

ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ДИҚҚАТИГА!

1. «Холис-Тахлил» масъулияти чекланган жамиятига 2009 йил 10 июнда берилган 00715-сонли лицензиянинг амал қилиши тугатилганлиги тўғрисидаги Хоразм вилояти хўжалик судининг 2010 йил 29 январдаги ҳал қилув қарори ва мазкур суд апелляция инстанциясининг 2010 йил 3 мартдаги қарори Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг **2010 йил 23 мартдаги 260-аф-сонли** буйруғига мувофиқ ижро учун қабул қилинди.

2. Масъулияти чекланган жамият шаклидаги «JANUBIY» аудиторлик ташкилотига 2008 йил 14 апрелда берилган 00414-сонли лицензиянинг амал қилиши тугатилганлиги тўғрисидаги Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2010 йил 12 февралдаги ҳал қилув қарори ва мазкур суд апелляция инстанциясининг 2010 йил 14 апрелдаги қарори Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг **2010 йил 28 апрелдаги 265-аф-сонли** буйруғига мувофиқ ижро учун қабул қилинди.

Молия вазир ўринбосари М.МИРЗАЕВ.

УШБУ
СОҶДА

1-бет

Баркамол авлод – мамлакат келажяги

\$1 = 1572,30 сўм

2-бет

Мулкчилик шаклини ўзгартирганда

€ 1 = 2039,88 сўм

2-4-бетлар

Маслаҳатни юрист беради

£1 = 2341,31 сўм

5-бет

Низолар судда ҳал этилади

¥10 = 169,76 сўм

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Баркамол авлод йили» Давлат дастури тўғрисида»ги ПҚ-1271-сон қарори.

Улгуржи савдо билан шугулланувчи хусусий корхона масъулияти чекланган жамиятга айлантирилиши мумкинми? Агар мумкин бўлса, у янги лицензия олиши лозимми?

Хусусий корхона мулкдори бошқа шаклга айлантириш пайтида ташкил этилаётган МЧЖдаги ўз улушини бошқа шахсларга (янги 2-3 иштирокчига) бериши ва муассислар таркибидан чиқиши мумкинми?

Агар улуш 35%дан кўп бўлса, янги иштирокчилар МЧЖ устав фондидаги улушни харид қилишга рухсат олишлари керакми?

ХК директори.

ХУСУСИЙ КОРХОНАНИНГ МЧЖга АЙЛАНИШИ

«Хусусий корхона тўғрисида»ги Қонуннинг (2003 йил 11 декабрдаги 558-II-сон) 28-моддасига ва Фуқаролик кодексининг (ФК) 49-моддасига мувофиқ хусусий корхона унинг мулкдори қарорига кўра масъулияти чекланган жамиятга айлантириш йўли билан қайта ташкил этилиши мумкин. Бунинг учун у қарор қабул қилиб, қуйидагиларни амалга ошириши лозим:

1) кредиторларни қайта ташкил этиш тўғрисида хабардор қилиш муддатини белгилаши, бошқа шаклга айлантириш таомилларини бажариш учун масъул шахсни тайинлаши (зарурат бўлса), қайта ташкил этишнинг бошқа шартларини белгилаши;

2) топшириш далолатномасини тасдиқлаши;

3) МЧЖ иштирокчилари (муассисларининг умумий йиғилишини ўтказиш насини тайинлаши;

4) ташкил этилаётган МЧЖдаги унинг улуши бошқа шаклга айлантириш босқичида бошқа шахсларга реализация қилиниши кераклигини белгилаши;

5) мулкдорнинг фикрича барча таомилларни ўтказиш учун муҳим бўлган бошқа масалаларни акс эттириши.

ФКнинг 52-моддасига ҳамда Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхати-га олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисида низом (Президентнинг 2006 йил 24 майдаги ПҚ-357-сон қарорига илова) 11-бандининг «г» кичик бандига кўра айлантириш тўғрисида қарор қабул қилинган пайдан бошлаб бир ой мобайнида бу ҳақда ХКнинг барча маъ-

лум кредиторларини хабардор қилиш лозим. Буни исталган оммавий ахборот воситасида (республика даражасида бўлса мақбул бўларди) ХКни МЧЖга айлантириш тўғрисида эълон чоп этиш ва кредиторларга хабарнома юбориш йўли билан қилиш лозим.

Сўнгра МЧЖ муассислари (ХК мулкдори – улар сирасида) умумий йиғилиш ўтказиб, қуйидагиларни амалга оширишлари лозим:

1) жамиятни ХКдан айлантириш йўли билан таъсис этилганлиги тўғрисида қарор қабул қилиш, таъсис шартномасини имзолаш ва МЧЖ уставини тасдиқлаш;

2) муҳр ва штампларнинг эскизларини тасдиқлаш;

3) устав фондининг миқдорини белгилаш ва тасдиқлаш;

4) МЧЖ раҳбарини, шунингдек жамиятнинг тафтиш комиссияси ва кузатув кенгаши аъзоларини (зарур бўлса) сайлаш;

5) топшириш далолатномасини тасдиқлаш;

6) қайта ташкил этиш билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳал қилиш.

Амалдаги қонун ҳужжатларида айлантирилаётган ХК мулкдорининг МЧЖдаги ўз улушини (мазкур ҳолда – 100 фоиз) бошқа шахсларга (муассисларга) бериб, айна вақтда муассислар таркибидан (сирасидан) чиқишига бирор-бир чекловлар мавжуд эмас. Бунинг учун мулкдор МЧЖ муассисларининг умумий йиғилишини ўтказиш олдида ёки уни ўтказиш пайтида бошқа муассислар билан улушларни бериш (олди-сотди, бошқа шах-

сга бериш) шартномаларини тузиши лозим.

Агар шахс харид қилаётган улуш МЧЖ устав фондининг 35 фоиздан ортиқ бўлса, хариддор монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш органларидан уни харид қилишга рухсатнома олиши лозим. Бунинг учун Хўжалик юритувчи субъектнинг 35 фоиздан ортиқ акциялари, улушларини олиш устидан назорат қилиш тартиби тўғрисида йўриқномага (Монополиядан чиқариш давлат қўмитасининг АВ томонидан 2009 йил 5 февралда 1896-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган) мувофиқ монополиядан чиқариш органига* илтимоснома билан мурожаат қилиш лозим. Унга қуйидагилар илова қилинади:

1) хариддор юридик шахс томонидан:



а) унинг ва хусусий корхонанинг таъсис ҳужжатлари нусхалари;

б) унинг ва хусусий корхонанинг бухгалтерия баланслари нусхалари;

в) уни ва хусусий корхонани бошқарувнинг ижро қилувчи ва сайлаб қўйилувчи органлари таркибига кирадиган шахсларнинг рўйхатлари (уларда бош бухгалтерлар ёки уларнинг вазифаларини бажарувчи шахслар ҳам кўрсатилади);

2) хариддор жисмоний шахс томонидан:

а) хусусий корхона таъсис ҳужжатларининг нусхалари;

б) хусусий корхона бухгалтерия балансининг нусхаси;

в) хусусий корхона бошқарувининг ижро

қилувчи ва сайлаб қўйилувчи органлари таркибига кирадиган шахсларнинг рўйхатлари (шу жумладан бош бухгалтер ёки унинг мажбуриятларини бажарувчи шахс) ўз паспортининг нусхаси.

Давлат монополиядан чиқарувчи органи кўрилаётган битимга тааллуқли бўлган бошқа ахборотни сўраб олиши мумкин.

ХКни МЧЖга айлантириш билан боғлиқ барча ҳужжатлар расмийлаштирилганидан кейин тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекциясига қуйидагиларни тақдим этиш зарур:

МЧЖни рўйхатга олиш тўғрисида ариза; нотариал тасдиқланган, давлат тилидаги МЧЖ таъсис ҳужжатлари (устав ва таъсис шартномаси) асл нусхаларининг икки кўчирма нусхаси;

давлат божининг белгиланган миқдори тўланганлиги тўғрисида банк тўлов ҳужжати;

уч нусхада муҳр ва штамп эскизлари; қайта ташкил этилаётган юридик шахсга маълум кредиторларнинг ҳаммаси ёзма хабардор қилинганлиги ва оммавий ахборот воситаларида қайта ташкил этиш тўғрисида хабар чоп этилганлиги тасдиғи;

қайта ташкил этилаётган хусусий корхонанинг барча кредиторлари ва қарздорларига нисбатан барча мажбуриятлар, шу жумладан тарафлар низолашаётган мажбуриятлар бўйича ҳуқуқий ворислиги тўғрисидаги қоидаларни ўз ичига олган топшириш далолатномаси;

хусусий корхонанинг рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасининг асл нусхаси, муҳр ва штамплари.

Улгуржи савдо фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомнинг (Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 5 ноябрдаги 242-сон қарори билан тасдиқланган) V бўлимига кўра лицензиат ўзгартирилганида унинг ҳуқуқий вориси қайта рўйхатдан ўтказилгандан кейин бир ҳафта ичида лицензияловчи органга лицензияни қайта расмийлаштириш учун мурожаат қилиши шарт, бунда унинг қайта ташкил этилганлигини тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар илова қилинади. Лицензия қайта расмийлаштирилганига қадар лицензиат илгари берилган лицензия асосида унда кўрсатилган фаолиятни амалга оширади. Лицензия қайта расмийлаштирилганида қонун билан белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг ярмига тенг бўлган йиғим ундирилади.

**Артём ОТСТАВНОВ,
«Норма» МЧЖ эксперт-юристи.**

ИДХ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

| Мамлакат | Сана | АҚШ доллари | | Евро | | Россия рубли | |
|-------------|------------|-------------|---------|---------|-----------|--------------|----------|
| | | бирлиги | курси | бирлиги | курси | бирлиги | курси |
| Озарбайжон | 13.05.2010 | 1 | 0,8036 | 1 | 1,0164 | 1 | 0,0268 |
| Арманистон | 13.05.2010 | 1 | 388,45 | 1 | 488,75 | 1 | 12,97 |
| Беларусь | 14.05.2010 | 1 | 2986,00 | 1 | 3780,57 | 1 | 100,00 |
| Грузия | 12.05.2010 | 1 | 1,7784 | 1 | 2,2582 | 1 | 5,8575 |
| Қозғистон | 14.05.2010 | 1 | 146,60 | 1 | 184,41 | 1 | 4,89 |
| Қирғизистон | 13.05.2010 | 1 | 45,6507 | 1 | 58,0986 | 1 | 1,486 |
| Латвия | 14.05.2010 | 1 | 0,555 | 1 | 0,702804 | 1 | 0,0185 |
| Литва | 14.05.2010 | 1 | 2,7255 | 1 | 3,4528 | 10 | 9,1255 |
| Молдова | 13.05.2010 | 1 | 12,5422 | 1 | 15,8802 | 1 | 0,4181 |
| Тожикистон | 14.05.2010 | 1 | 4,3682 | 1 | 5,5232 | 10 | 1,4506 |
| Ўзбекистон | 11.05.2010 | 1 | 1572,30 | 1 | 2039,88 | 1 | 51,18 |
| Украина | 13.05.2010 | 100 | 792,59 | 100 | 1005,4797 | 10 | 2,6241 |
| Эстония | 13.05.2010 | 1 | 12,4367 | 1 | 15,6466 | 1 | 0,415162 |

Манба: www.prime-tass.ru

УШБУ
СОНДА:

✓ УСТУВОРЛИКЛАР

– Давлат дастурининг моҳияти ва асосий йўналишлари
– Миллатлараро тотувлик – жамият барқарорлиги омили

1-бет

✓ ЮРИДИК МАСЛАҲАТЛАР

– Хусусий корхонанинг МЧЖга айланиши
– Хорижий фирма тугатилган, бироқ қарзи ҳали ҳам бор
– Бозорни қўшиб олса бўладими?

– Узумзорни кимга ишониш керак?

2-4-бетлар

✓ ХЎЖАЛИК ҲУҚУҚИ

– МЧЖни нодавлат таълим муассасасига айлантиринг
– Ортиқча ҳаракатга ҳужжат керак

5-бет

✓ ХУСУСИЙ ИШ

– Кўклам кўркамлигидан андоза олиб

6-бет

✓ топ

7-8-бетлар

ХОРИЖИЙ ФИРМА ТУГАТИЛГАН, БИРОҚ ҚАРЗИ ҲАЛИ ҲАМ БОР

? 2004 йилда бизнинг институтимиз билан Канададаги хорижий фирма ўрта-сида экспорт контракти тузилган. Унга доир иш 2005 йилда якунланди, бироқ хорижий фирма 500 АҚШ долларини кам тўлади.

Беш йил мобайнида институт 500 АҚШ долларини қайтариш бораси-да турли инстанцияларга бир неча маротаба мурожаат қилди. Кей-инроқ маълум бўлишича, хорижий фирма тугатилган ва ҳозир мав-жуд эмас экан.

Муддати кечиктирилган дебитор-лик қарзи учун корхонамиз 2007 йилда бюджетга 500 АҚШ доллари миқдорида жа-римна тўлади. 2008 йил августида мазкур сумма корхона зарарига ҳисобдан чиқарилди, директор ва бош бухгалтер ҳам кечиктирилган дебиторлик қарзи учун бюджетга маъмурий жарималар тўлашди.

2008-2009 йиллар мобайнида институт раҳбарияти банк экспорт контрактини ҳисобдан чиқариши учун барча чораларни кўрди, бироқ у буни қилмади ва контрактни сақла-ганлиги учун пул маблағларини ушлашда давом этяпти, ҳолбуки банкда қарз ҳақиқатан ҳам зарарга ҳисобдан чиқарилганлиги ва бюджетга барча жарима санкциялари тўлан-ганлиги тўғрисида ДСИ хати бор.

Экспорт контрактини банкдаги ҳисобдан чиқариш учун нима қилиш керак? Институтнинг бош бухгалтери.

– Мазкур ҳолда банк Ваколатли банкларда экспорт ва бартер контрактларини ҳисобга қўйиш ҳамда улар ижроси устидан назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисида низом-нинг (МБ томонидан тасдиқланган, АВ то-монидан 2000 йил 9 августда 954-сон би-лан рўйхатдан ўтказилган) 6.1-бандига амал қилияпти. Унда контрактни ҳисобдан чиқариш учун у билан экспорт контракти тузилган хо-рижий компаниянинг тугатилиши ёки экспорт контракти бўйича дебиторлик қарзини ҳисоб-дан чиқариш ва бюджетга тегишли жарима санкцияларини тўлаш каби асослар мавжуд эмас.

Сизнинг вазиятингизда экспорт контрактини ҳисобдан чиқариш учун банкни мазкур ҳа-ракатни амалга оширишга мажбур этиш тўғри-сида даъво аризаси билан ҳўжалик судига мурожаат қилиш лозим. Контрактни ҳисобдан чиқариш суднинг ҳал қилув қарори асосида амалга оширилади (ХПК 14-моддасининг ик-кинчи қисми ва ХПКнинг 209-моддаси).

БИЗНИНГ ТАКЛИФ

Ҳуқуқни қўллаш амалиётининг кўрсатишича, экспорт контрактини ҳисобдан чиқариш учун асосларнинг Ваколатли банкларда экспорт ва бартер контрактларини ҳисобга қўйиш ҳамда улар ижроси устидан назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисида низомда кўрса-тилган рўйхати воқеликда юзага келадиган барча ҳолларни қамраб олмаган. Уни, хусусан, қуйидаги икки асос билан тўлдириш мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисоблаймиз:

экспорт контракти бўйича дебиторлик қар-зини ҳисобдан чиқариш ва бюджетга тегишли жарима санкцияларини тўлаш чоғида, агар қарз суммаси арзимас миқдорда бўлса (ма-салан, 1 500 АҚШ долларидан ошмаса), бу ҳол давлат солиқ хизматининг хати билан тасдиқланади;

хорижий ҳамкор – дебитор тугатилган-да, бу ҳол савдо реестридан лозим дара-жада расмийлаштирилган кўчирма ёки юри-дик шахс тугатилган давлатнинг қонун ҳуж-жатларида назарда тутилган бошқа ҳужжат билан тасдиқланади.

БОЗОРНИ ҚЎШИБ ОЛСА БЎЛАДИМИ?

? Масъулияти чекланган жамиятимиз – «Чорва моллари» бозори Вазирлар Маҳ-камасининг «Ноозик-овқат истеъмол товарлари билан савдо қилишни та-комиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорини (2003 йил 28 июл-даги 330-сон) бажариш учун «Риштон» деҳқон бозорининг таркибидан аж-раб чиқди. 13 муассис бор, улардан бири жамият устав фондининг 51%ини ташкил этадиган улушга эга ҳокимлик ҳисобланади.

Жамиятимиз вилоят ёки туман ҳокимлигининг қарори билан яна деҳқон бозо-рига қўшиб юборилиши мумкинми?

Бу ҳолда улушнинг 49%ига эга бўлган муассисларнинг ҳуқуқлари бузилмай-дими?

Қандай ҳолларда бир МЧЖни бошқа жамиятга қўшиб юбориш мумкин, буни ким амалга ошира олади?

Бу ҳолда қайси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига мурожаат қилиш мум-кин?

МЧЖ бошқаруви раиси.

– Сизнинг ҳолатингизда жамиятни бошқа юридик шахсга фақат бир муассиснинг қарори асосида қўшиб юбориш ноқонуний, чунки «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамият-лар тўғрисида»ги Қонун (2001 йил 6 декабрдаги 310-II-сон) 34-моддасининг ўнинчи қисмига мувофиқ МЧЖни қайта ташкил этиш масалалари бўйича қарорни жамиятнинг иштирокчилари бир овоздан қабул қиладилар.

Бундай қарор жамиятнинг фақат битта аъзоси томонидан қабул қилинган тақдирда, ҳатто у овозларнинг 50 фоизидан кўпига эга бўлса ҳам, устав капиталидаги улушнинг 49 фоизига эга бўлган бошқа 12 муассиснинг ҳуқуқлари бузилади. Бузилган ҳуқуқни тиклаш учун МЧЖ иштирокчиси (иш-тирокчилари), агар у (улар) юридик шахс бўлсалар, ҳўжалик судига мурожаат қилишлари мум-кин. Агар иштирокчиларнинг лоақал биттаси жисмоний шахс бўлса, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судга мурожаат қилиш лозим (ФПКнинг 31-моддаси ва ХПКнинг 23-моддаси). Шу билан бирга жамият иштирокчиси (иштирокчилари) прокуратура органларига шикоят билан му-рожаат қилишга ҳам ҳақлилар.

Масъулияти чекланган жамият бошқа жамиятга МЧЖ ва у қўшиб олинаётган юридик шах-сининг барча иштирокчилари томонидан қабул қилинган қарорга асосан қўшиб олиниши мум-кин. Агар МЧЖ қўшилаётган жамият акциядорлик жамияти бўлса, қўшиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун у қарорни кўпчилилик овоз билан – акциядорларнинг умумий ййғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акциялар эгаларининг камида тўртдан уч қисми овоз бериши билан – қабул қилиши лозим (1996 йил 26 апрелдаги «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» 223-I-сон Қонун 66-моддасининг еттинчи қисми).

Реклама

Эксперт маълумотнома тизими

КОРХОНА ЮРИСТИ

Сотиб олиш масалалари бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилинг:
Тошкент ш., М.Улугбек тумани, Х.Олимжон майд., 10А-уй.
Тел.: (998 71) 237-07-78, тел./факс: (998 71) 237-45-29
E-mail: info@norma.uz, web: www.norma.uz

Жавобларни эксперт-юрист Артём ОТСТАВНОВ тайёрлади.

CERTIFIED INTERNATIONAL PROFESSIONAL ACCOUNTANT

СЕРТИФИКАТЛАНГАН ХАЛҚАРО МАЛАКАЛИ БУХГАЛТЕР

АУДИТОР ВА БУХГАЛТЕРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Евросиё сертифициланган бухгалтерлар ва аудиторлар кенгаши ҳамда «CIPAEN UZ» МЧЖ тимсолидаги CIPA имтиҳон тармоғи «Сертифициланган амалиётчи бухгалтер (САР)» ва «Сертифициланган халқаро малака-ли бухгалтер (CIPA)» малакасини олишга номзодлар учун CIPA дастури имтиҳонларига рўйхатдан ўтказиш ҳақида эълон қиладилар.

МАЛАКА ИМТИҲОНЛАРИ ЖАДВАЛИ

| Имтиҳон санаси | САР даражаси | CIPA даражаси |
|----------------|-------------------|--------------------|
| 2 июль | Солиқлар ва ҳуқуқ | Молиявий менежмент |
| 3 июль | Бошқарув ҳисоби 1 | Аудит |
| 4 июль | Молия ҳисоби 1 | Бошқарув ҳисоби 2 |
| 5 июль | | Молия ҳисоби 2 |

Минтақалардаги имтиҳонлар сессияга рўйхатдан ўтганлар соми етарлича бўлиши (камида 35 киши) шарти билан ўтказилади.

Минтақаларда рўйхатдан ўтиш масалалари билан қуйидагиларга мурожаат қилинг:

Андижон (8-374)
Бобур шоҳқўч., 56
Тел.: 250-60-06
Баҳодир Солиев

Бухоро (8-365)
Мўминов кўч., 2, 104-хона
Тел.: 223-86-40
Сайфулло Ҳайитов

Гулистон (8-367)
Халқлар дўстлиги кўч., 30
Тел.: 225-47-97, 225-31-64
Алла Шин

Қарши (8-375)
Мустақиллик майд., 2
Тел.: 221-01-07, 229-15-10
Зебо Эргашева

Наманган (8-369)
Хуррият кўч., 22
Тел.: 226-62-83, 226-80-60
Адҳам Қозоқбоев

Нукус (8-361)
Амир Темура кўч., 120
Тел.: 222-48-27, 350-71-75
Қаллибек Абдураҳмонов

Самарқанд (8-366)
Амир Темура кўч., 9
Тел.: 233-64-79
Гулноза Раҳматова

Термиз (8-376)
М.Қошғарий, 42
Тел.: 227-52-40, 222-85-35
Хуррам Норқобилов

Фарғона (8-373)
М.Қосимов кўч., 147/14
Тел.: 224-80-13, 224-35-10
Зулхумор Болтабоева

Урганч (8-362)
Гурлан кўч., 2а
Тел.: 229-39-80, 518-32-90
Умарбек Жабборов

Тошкентда рўйхатдан ўтиш масалалари бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилинг:

«CIPAEN UZ» МЧЖ – Амир Темура кўч., 107А, тел.: (8-371) 238-90-25, 238-90-26,

Эльвира Файзулина

Рўйхатдан ўтиш учун рўйхатга олиш карточкаси бланкини тўлдириш, имтиҳонда иштирок этиш ҳақи тўланганлиги тасдиғи, паспорт ксеронусхаси ва жорий календарь йил давомида олинган 3x4 смли фотосуратни тақдим этиш зарур.

УЗУМЗОРНИ КИМГА ИШОНИШ КЕРАК?

Ассалому алайкум, ҳурматли газета ходимлари!
2006 йил апрелида, Президентнинг қарорига кўра, кимошди савдосида ер сотиб олдим ва фермер мақомига эга бўлдим. Бунгача 3 йил мобайнида ширкат хўжалигида ижарачи деҳқон сифатида фаолият юритган эдим. Мен узум етиштириш билан шуғулланган участка 80 сотих эди. Ҳар йили ер учун ижара ҳақи тўладим. 2006 йилда аукционда 1,5 гектарлик участка харид қилганимдан кейин илгари мен участкани ижарага олган агрофирма кадастрни менинг номимга расмийлаштиришдан бош тортди, бироқ уни ширкатнинг боғдорчиликдан умуман хабардор бўлмаган бошқа ишчисига расмийлаштирди. Мен бунинг сабабини сўраганимда ерни менинг номимга расмийлаштириш учун ушбу хўжаликда камида 5 йил ишлаб беришим кераклигини айтишди.

Бироқ ана шу узумзорда 20 йил мобайнида онам ишлаганлар, ўзим ҳам шу ерда ишлаб вояга етдим, бунинг устига боғдорчилик

– Мева-сабзавотчилик ва узумчилик ширкатларини фермер хўжаликларига қайта ташкил этиш масаласи Президентнинг «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармони (2006 йил 9 январдаги ПФ-3709-сон, бундан кейин – ПФ-3709-сон Фармон) ва «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислох қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида» қарори (2006 йил 11 январдаги ПҚ-255-сон, бундан кейин – ПҚ-255-сон қарор) билан тартибга солинган.

Чунончи, ПФ-3709-сон Фармоннинг 2-банди билан шундай тартиб ўрнатилганки, бунда:

боғ ва узумзорлар фермерларга кимошди савдолари орқали сотилади, савдоларда мазкур соҳада муайян иш стажини ва малакаларига эга бўлган даввогарларнинг иштирок этишларига йўл қўйилади;

боғ ва узумзорлар жойлашган ер майдонлари кимошди савдоси голибларига ҳада қилиш, сотиш, гаровга бериш, айирбошлаш ва субарендага топшириш ҳуқуқини бермаган ҳолда узок муддатли ижарага топширилади;

боғ ва узумзорларни кимошди савдосида сотишдан тушадиган маблағлар энг аввало тугатилаётган ширкатнинг кредиторлик қарзини узишга йўналтирилади, маблағларнинг қолган қисми ширкат пайчилари ўртасида уларнинг пайларига



мутаносиб равишда тақсимланади.

Кимошди савдосини ўтказишнинг умумий шартлари Фуқаролик кодексининг 379–381-моддалари билан белгиланган. Бироқ мол-мулкнинг айрим турларини реализация қилиш чоғида уларни реализация қилиш бўйича аукцион ўтказишнинг турли шартлари, шу жумладан унинг иштирокчиларига қўйилган талаблар белгиланиши мумкин. Хусусан, ПФ-3709-сон Фармонда иштирокчида мазкур соҳада ишлашнинг муайян стажини ва кўникмалари бўлиши хусусидаги, ПҚ-255-сон қарорда эса – **боғлар**

ва узумчилик масалаларида катта тажриба орттирдим. Бундан ташқари, мен имкони бўлганда ўз маблағларимга боғни янгилайман, токни тупроққа кўмаман, барча техника, ўғитларни сотиб оламан, 55 йилдан бери турган, эскириб, бўлаклари тушиб кетаётган цемент устунларни алмаштиряпман ва мустаҳкамлаяпман. Ҳосил етилганидан кейин транспорт топаман ва ўз кучим билан уни заводга топшираман, пулини эса 5-6 ойдан кейин қийинчилик билан оламан, бироқ, шунга қарамай, барча мажбурий тўловларни тўлаяпман.

2010 йилда фермер хўжалигини бошқа хўжаликка қўшиб юборишди. Ҳозирги вақтда ўша хўжаликнинг раҳбари мендан пул талаб қилиб, ерни тортиб оламан деб кўрқитяпти.

Тушунтириб берсангиз, мен узумзорни (80 сотих) ўз номимга қайтадан расмийлаштира оламанми?

Гулхумор М. Андижон вилояти.

ва узумзорларни қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги ширкати умумий йиғилишининг қарори асосида ёпиқ аукционда фақат ширкат пайчилари ва аъзолари ўртасида реализация қилиш хусусидаги талаб назарда тутилган. Яъни, кимошди савдосини ўтказиш шартларида хўжалик кимошди савдосида иштирок этиш учун зарур бўлган, мазкур соҳада ишлашнинг энг кам стажини мустақил равишда белгилайди. Бунда ушбу шарт мазкур хўжалик учун ягона бўлиши ва барча талабгорларга нисбатан қўлланиши керак.

Боғ ва узумзорлар жойлашган ер участкалари аукцион голибларига туман ҳокими томонидан аукцион яқунлари бўйича ер участкасини ижарага бериш тўғрисида қарор чиқа-

риш ва белгиланган тартибда туман кадастр хизматида рўйхатга олинган ижара шартномасини тузиш йўли билан узок муддатли ижарага берилди. Бинобарин, муайян ер участкасидаги боғ ва узумзорларни сотиб олган аукцион голиби ҳамда мазкур ер участкасининг ижарачиси биргина шахсдир.

Бундан ташқари, ПФ-3709-сон Фармон ва ПҚ-255-сон қарор билан **улар фермер хўжаликларига қайта ташкил этилганидан кейин хўжаликларнинг ихтисослашишини сақлаб қолишининг зарурлиги белгиланган, бу қуйидаги талаблар билан таъминланиши керак:** ташкил этилаётган фермер хўжалигининг ер участкаси ижараси ҳақидаги шартномада бел-

гилаб қўйилган мавжуд ихтисослашувини сақлаб қолиш;

фермерларнинг шартномага асосан боғ ва узумзорлардан шунингдек ажратилган лимит бўйича сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш мажбуриятини олишлари;

фермер томонидан ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилган, ер ресурсларидан мақсадга мувофиқ ва оқилона фойдаланилмаган, шунингдек ижара шартномаси талаблари бажарилмаган тақдирда ер участкаларини узок муддатли ижарага бериш шартномасини суд тартибидан муддатидан олдин бекор қилиш.

Иккита фермер хўжалигини бирлаштириш қишлоқ хўжалиги махсулоти етиштиришни ташкил қилишнинг асосий шакли сифатида фермер хўжаликлари фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш, шунингдек ер, сув ва бошқа моддий-техника ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш ҳамда хўжаликларнинг молиявий ҳолатини мустаҳкамлаш мақсадида ер участкаларини мақбуллаштириш бўйича чоралар мажмуини амалга ошириш натижаси бўлганлиги эҳтимол.

2009 йил октябрида қабул қилинган республика Президентининг Ф-3287-сон фармойишида* ер участкаларини ажратиш чоғида талабгорларни ноқонуний, адолатсиз танлаб олиш далиллари мавжудлиги қайд этилган: «Йўл қўйилган камчиликлар оқибатида айрим янги ташкил этилган фермер хўжаликлари етарли оборот маблағлари, зарур техника ва бошқа моддий ресурсларга эга эмаслар, бу эса охири оқибатда қишлоқ хўжалиги экинларидан кафолатланган ҳосиллар олишга салбий таъсир кўрсатяпти...» Вазирлар Маҳкамасининг 47-сон қарори** билан эса бир қатор вазирликларга **фермер хўжаликларининг манфаатларини самарали ҳуқуқий ҳимоя қилишни таъминлаш**, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг улар хўжалик фаолиятига ноқонуний аралашшига уринишларини қатъиян бартараф этиш вазифалари қўйилди.

Афсуски, хатнинг мазмуни қишлоқ хўжалиги ширкатини фермер хўжалигига қайта ташкил этиш билан боғлиқ юзага келган вазиятга тўлиқ тавсиф бермайди, бу эса унга ҳуқуқий баҳо беришни қийинлаштиради.

Бироқ агар сиз фермер хўжалигининг барпо этилишида қишлоқ хўжалиги ширкатини қайта ташкил этиш ҳамда фуқароларга боғ ва узумзорларни кимошди савдоси асосида реализация қилиш чоғида кўрсатилган тартиб бузилган деб ҳисобласангиз, ўз ҳуқуқларингизни ҳимоя қилиш учун суд ёки прокуратура органларига мурожаат қилишингиз мумкин.

Улугбек АЮПОВ,
эксперт-юрист.

Хорижий тажриба

ПРОКУРАТУРА ТАФТИШЛАРНИ. ЯРМИГА КАМАЙТИРДИ

РФ Бош прокуратураси унга «Давлат назорати ва муниципал назоратни амалга ошираётганда юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун билан берилган ўз функцияларини амалга ошириш бўйича иши тўғрисида ҳисобот берди.

Чунончи, 2009 йилда у кичик ва ўрта корхоналарни режадан ташқари бўлгуси текширувларнинг қарийб 187 мингтасини ноқонуний деб топди, уларни ўтказишга сўровлар федерал, минтақавий ва муниципал даражадаги турли назорат қилиш хиз-

матлари томонидан тақдим этилган эди. Янги қонун амал қила бошлаган 2009 йил 1 майдан бошлаб прокуратура органларига қарийб 37 мингта мурожаат келиб тушди. РФнинг баъзи субъектларида назорат тадбирларини ўтказишни рад этиш фоизи 86%га етган.


Масалан, Москвада прокуратура назорат қилувчи органларнинг кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларини режадан ташқари сайёр текшириш тўғрисида 1 511 мурожаатидан 1 158 тасини (76,6%) келишиб олишни рад қилди. Краснодар ўлкасида бу ҳол 61%га (1 422 мурожаатдан 867 таси) етди. Татаристон Республикасида маҳаллий прокуратура органлари фирмаларни эълон қилинган 1 199 текширувнинг 730 тасидан (61%) халос қилди. Ханти-Манси округида келишиб олиниши талаб қилинадиган назорат тадбирларининг 50%ига рад қавоби берилди. Саратов вилоятида прокурорлар текширувларнинг 54,5%ини ўтказишга йўл қўймадилар. Шимолий Осетия-Алания, Ингушетия, Бурятия, Бошқирдистон республикалари, Ставрополь ўлкаси,

Амур, Кемерово, Тамбов вилоятлари ва Россия Федерациясидаги бир қатор бошқа субъектларнинг прокуратуралари ҳам назорат қилувчи органлар мурожаатларининг тахминан ярмини қондиришни рад қилишди. Прокурорлар бизнесга маъмурий босимни қисқартириш керак деб ишонадилар ва ана шу мураккаб ишга ўз ҳиссаларини қўшишга тайёрлар.

Бироқ, экспертларнинг фикрича, салмоқли натижаларга эришилганига қарамай, бизнес зиммасидаги юкнинг етарлича пасайгани тўғрисида гапиришга ҳали эрта, чунки тадбиркорларнинг ўзлари турли назорат қилувчи органлар ва тузилмаларнинг маъмурий таъйини камайгани йўқ деб таъкидламоқдалар.

Хорижий матбуот материалларидан.

МЧЖни НОДАВЛАТ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИГА АЙЛАНТИРИНГ



? **Бизнинг ташкилотимиз мактабгача ёшдаги болаларнинг билим даражасини ошириш бўйича хизматлар кўрсатади, яъни репетиторлик билан шуғулланади. Ўқитиш якуналари бўйича ўқувчиларнинг билимини тасдиқлайдиган, давлат намунасидаги ҳеч қандай ҳужжат бермаймиз. Таълим жараёни белгиланган давлат стандартларига мувофиқ келмайди, доимий, узлуксиз тусда эмас.**

ХХТУТ коди қандай бўлиши керак? Репетиторлик билан шуғулланиш ҳуқуқига лицензия керакми?

В.Переплетчиков, «БУЛОҚЧА» МЧЖ директори.

? **«NOZIMA LYUKS SERVIS» хусусий корхонасининг асосий фаолият тури бўлиб аҳолига маиший хизматлар кўрсатиш ҳисобланади (ХХТУТ коди – 17220). Биз шунингдек, оилавий тиббий ҳамшира, пазандачилик, компьютер саводхонлиги, инглиз тили, рус тили, «Элита» (пардалар тиқиш), бухгалтерия, массаж, тикувчи қисқа муддатли курслари очишни режалаштиряпмиз.**

Ушбу кўшимча фаолият билан шуғулланиш мумкинлиги – «қисқа муддатли курсларни ташкил этиш ва ўқитиш» корхона уставида кўрсатилган.

Корхона қуйидаги саволларга жавоб беришингизни сўрайди: қисқа муддатли курсларда ўқитиш билан шуғулланишга махсус ружсатнома (лицензия) керакми? Агар керак бўлса, қаерга мурожаат қилиш лозим? Лицензия олиш учун қандай ҳужжатлар керак? ХХТУТ кодини ўзгартирмасдан лицензия олиш мумкинми?

Юридик шахс корхонанинг мулкчилик шаклини ўзгартирмасдан туриб бир вақтда икки фаолият турини (маиший хизматлар ва қисқа муддатли ўқитиш) амалга ошира оладими?

Г.Ўтбосарова, «NOZIMA LYUKS SERVIS» ХК директори. Янгибозор кўргони.

? **«Жиҳоз сервис» масъулияти чекланган жамияти қуйидаги масалаларга аниқлик киритиб беришингизни сўрайди. Бизнинг МЧЖ автотранспорт хизматларини кўрсатиш билан шуғулланади (ХХТУТ коди – 51121). Муассисларнинг умумий йиғилишида биз бўшаб ётган бинода ўқув марказини барпо этишга қарор қилдик. Қуйидаги ихтисосликлар бўйича ўқув курсларини ташкил этмоқчимиз:**

«В», «С», «D», «E» тоифаларидаги автотранспорт ҳайдовчилари; автокранни бошқарувчи ҳайдовчилар; токар; электр пайвандчи; газ пайвандчиси; стропальщик.

Айтиб ўтилган мутахассисларнинг қайсиларини тайёрлаш учун лицензия талаб қилинади? Уни ким беради? «Жиҳоз сервис» МЧЖ ҳузурида биз ўқув маркази очишимиз мумкинми (уставага кўшимча киритиш йўли билан) ёки алоҳида юридик шахсни рўйхатдан ўтказиш керакми?

Ф.Сапаев, МЧЖ раиси.

? **Мен Қашқадарё вилоятида истиқомат қиламан. Қарши давлат педагогика университетининг француз тили факультетини тугатганман. Бошқа иш йўқлиги боис чет тилларга ўқитиш курсларини очишни хоҳлардим. Бирок бунинг учун лицензия талаб қилинаркан. Уни қандай қилиб олишим мумкин?**

Рустам И.

Тахририят ушбу хатларни Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказига юбориб, газетхонларимизнинг саволларига жавоб беришларини илтимос қилди.

Бугун биз ўқитиш фаолиятини лицензиялаш билан ҳам шуғулланишга вакил этилган давлат органининг жавобини чоп этамиз.

– Давлат тест маркази хатингизни ўрганиб, маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 октябрдаги «Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларига тегишли бўлган корхоналар ва ташкилотлар классификациясини тасдиқлаш тўғрисида» 439-сон қарорига кўра 92000, 92100, 92110, 92120, 92200, 92400, 93145 фаолият тури кодлари таълим тизимига тааллуқлидир. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни* 9-моддасига кўра Ўзбекистон Республикасининг таълим тизими давлат ва нодавлат таълим муассасаларидан иборат. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майдаги 222-II-сон қарорига мувофиқ нодавлат таълим муассасаларининг фаолиятини амалга оширишга лицензия талаб қилинади.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 мартдаги 100-сон қарорига* мувофиқ нодавлат таълим муассасаларининг фаолиятини лицензияланади.**

Лицензияларни бериш ва бекор қилиш, уларнинг амал қилишини тўхтатиб қўйиш ва тугатиш тўғрисида қарорларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Нодавлат таълим муассасалари фаолиятини лицензиялаш комиссияси қабул қилади.

Комиссиянинг ишчи органи функцияларини Давлат тест марказининг Кадрларни тайёрлаш сифати устидан назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш бошқармаси бажаради.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқилганда, таълим хизматларини кўрсатиш учун (турли ўқитиш курслари, репетиторлик) тижорат ташкилотлари ташкилий-ҳуқуқий шаклни нодавлат таълим муассасасига ўзгартириб, лицензия олишлари лозим.

3.ТОЖИХЎЖАЕВ, директор ўринбосари, Давлат тест марказининг Кадрларни тайёрлаш сифати устидан назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш бошқармаси бошлиғи.

*1997 йил 29 августдаги 464-I-сон.

**«Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида».

***«Нодавлат таълим муассасалари фаолиятини лицензиялаш тўғрисида»ги низомни тасдиқлаш ҳақида».

ОРТИҚЧА ҲАРАКАТГА ҲУЖЖАТ КЕРАК

ИШНИНГ МОҲИЯТИ

МЧЖ АЖ билан пудрат шартномасини тузиб, уни бажариш чоғида шартномада назарда тутилмаган ишларни ҳам бажарди. АЖ барча бажарилган ишларнинг натижаларини қабул қилди, бироқ пудрат шартномасида белгиланганларигагина ҳақ тўлади. Бунга кўшилмаган МЧЖ хўжалик судига 87 млн сўм асосий қарз ва тўловни кечиктирганлик учун 43 млн сўм пеня ундириш тўғрисида даъво билан мурожаат қилди. Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво қисман қондирилди: 37 млн сўм асосий қарз, 13 млн сўм пеня ундирилди. Суд чиқарган қарорни асоссиз деб ҳисоблаб, АЖ Олий хўжалик судига биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш ва ишни янгидан кўришга юбориш тўғрисида кассация шикоятини билан мурожаат қилди.

МЧЖнинг ПОЗИЦИЯСИ

Ишларни топширишда далолатнома тузилиб, унда шартномада назарда тутилмаган ишлар акс эттирилган. Кўрсатилган ҳужжатни АЖ эътирозларсиз имзолаганлиги боис, у шартнома мажбуриятларидан ташқари бажарилган иш учун ҳақ тўлаши, шунингдек ушбу суммаларни тўлашни кечиктирганлик учун пеня тўлаши керак.

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ПОЗИЦИЯСИ

АЖ шартнома шартларида назарда тутилмаган ишларга ҳақ тўламаслиги керак. Бинобарин, улар бўйича пеня ҳисоблаб ёзиш асоссиз.

СУДНИНГ ҚАРОРИ

Суд ҳайъати амалдаги қонун ҳужжатларининг қоидаларини таҳлил қилиб, иш материалларини ўрганиб, тарафларнинг фикрларини тинглаб, қуйидагиларни аниқлади:

МЧЖ билан АЖ ўртасида пудрат шартномаси тузилган, унга кўра МЧЖ (пудратчи) АЖ (буюртмачи) учун лойиҳа ишларини бажариш, АЖ эса уларга ҳақ тўлаш мажбуриятини олганлар;

пудратчи барча ишларни, шу жумладан шартномада назарда тутилмаган ишларни бажарган;

ишларни қабул қилиш-топшириш чоғида тарафлар эътирозларсиз далолатномани имзолаганлар, унда пудратчи томонидан шартнома мажбуриятларидан ташқари бажарилган ишлар қайд этил-

ҳисоб-китобларнинг солиштирма далолатномаси билан тарафларнинг асо-

сий қарз суммасини эътироф этишлари тасдиқланади; биринчи инстанция суди томонидан ҳал қилув қарори қабул қилинишига қадар АЖ 41 млн сўм асосий қарзни узган;

Фуқаролик кодекси (ФК)нинг 260-моддасига кўра шартнома мажбуриятлари бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда пеня ҳисоблаб ёзилади.

Юқорида баён этилганлар асосида ҳамда Хўжалик процессуал кодексининг 187, 188 ва 189-моддаларига амал қилиб, суд ҳайъати қарор қилди:

биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгартирилсин;

даъво талаблари қисман қондирилсин: 46 млн сўм миқдоридан асосий қарз ундирилсин;

пеня ундириш рад этилсин, чунки даъвогар томонидан бажарилган ишлар шартномада қайд этилмаган эди.

ФК 631-моддасининг биринчи қисмига кўра пудрат шартномаси бўйича бир тараф (пудратчи) иккинчи тараф (буюртмачи)нинг топшириғига биноан маълум бир ишни бажариш ва унинг натижасини буюртмачига белгиланган муддатда топшириш мажбуриятини олади, буюртмачи эса иш натижасини қабул қилиб олиш ва бунинг учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади. ФК 646-моддаси иккинчи қисмининг маъносидан келиб чиқишича, бажарилган ишлар далолатнома ёки бошқа ҳужжат билан расмийлаштирилади. Буюртмачи мазкур далолатномада акс эттирилган маълумотларга кўшилмаган тақдирда далолатномани имзолашни рад этишга ёки уни эътирозларини кўрсатиб имзолашга ҳақлидир. Далолатномада кўрсатилган ишларни қабул қилишни рад этиш, масалан, бажарилган ишнинг шартномада белгиланган сифат бўйича талабларга мувофиқ эмаслиги ёки пудрат шартномасида аниқ иш турларини бажариш шартларининг йўқлиги ёхуд ишлар тўлиқ ҳажмда бажарилмаганлиги (ҳақ бутун бажарилган ҳажм учун тўланган ҳолларда) ва ҳоказо сабаблар билан асосланиши керак.

Агар кўрсатилган ҳужжат буюртмачи томонидан эътирозларсиз имзоланган бўлса, бу ҳол бажарилган ишлар қабул қилинганлигини тасдиқлайди. Буюртмачи ҳам ишдаги камчиликларни ёки аниқланган шартномадан чекинишларни бартараф этишни талаб қилиб, бунга қабул қилишнинг оддий усулида аниқлаб бўлмаган тақдирдагина, пудратчига мурожаат қилишга ҳақлидир (ФК 646-моддасининг тўртинчи қисми).

Агар далолатнома эътирозлар билан имзоланган бўлса ёки буюртмачи сифатнинг бажарилган ишларга номувофиқлиги тўғрисида унинг имзолашдан бош тортса, ФК 650-моддасининг биринчи қисмига кўра, пудратчи аниқланган

камчиликларни текинга бартараф этиши, иш учун белгиланган нархни мутаносиб равишда камайтириши, агар шартномада бу нарса буюртмачининг мажбурияти ҳисобланиши назарда тутилмаган бўлса, камчиликларни бартараф этиш бўйича харажатларни қоплаши керак.

Шу тариқа, буюртмачининг далолатномани имзолаши унинг далолатномада кўрсатилган ишлар қийматини эътироф этишини исботлайди, демак, у харажатлар аввалбошдан шартномада қайд этилганлиги ёки қайд этилмаганлигидан қатъи назар, уларни тўлашга мажбур. Хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида ўзаро ҳисоб-китобларнинг солиштирма далолатномаси ҳам қарз мажбуриятининг тасдиғи бўлиб хизмат қилиши мумкин (Республиканинг хўжалик юритувчи субъектлари ўртасида дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисидаги ўзаро текшириш тартибининг* 8-банди).

ФКнинг 260-моддасига мувофиқ буюртмачи томонидан бажарилган ишлар қийматига ҳақ ўз вақтида тўланмаган тақдирда пудратчи неустойка (жарима, пеня) тўлашни талаб қилиш ҳуқуқига эгадир. Бироқ агар у тузилган шартномада назарда тутилмаган ишларни бажарган ва уларга ҳақ кечиктирилиб тўланган бўлса, муддатни кечиктириш муносабати билан неустойка тўлашни талаб қилишга ҳақли эмас, чунки у шартнома мажбуриятлари бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда тўланади.

Баён этилганлардан келиб чиқиб, тадбиркорлик субъектларига (пудратчиларга), агар шартномада назарда тутилмаган ишлар бажарилса, унга кўшимча битимлар тузиш тавсия қилинади.

Суд амалиётини «НОРМА» МЧЖнинг эксперт юридик бўлими таҳлил қилди.

*Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 4 августдаги «Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисида» 332-сон қарорига 1-илова.

Реклама



НОРМА

Эксперт маълумотнома тизими

КОРХОНА ЮРИСТИ



Сотиб олиш масалалари бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилинг:
Тошкент ш., М.Улугбек тумани, Х.Олимжон майд., 10А-уй.
Тел.: (998 71) 237-07-78, тел./факс: (998 71) 237-45-29
E-mail: info@norma.uz, web: www.norma.uz

КЎКЛАМ КЎРКАМЛИГИДАН АНДОЗА ОЛИБ

Халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъат маҳсулотларининг доимий фаолият кўрсатувчи кўргазма-савдосида уй шароитида яқна тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланиб келаётган кўли гул ўзбек аёлларининг ноёб ишлари намойиш этилди. Бу кўргазма-савдо Тошкентдаги Алишер Навоий номи миллий боғнинг Маданият ва санъат кўргазма залида очилди. Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Савдо-саноат палатаси, «Микрокредитбанк» ва бошқа ташкилотлар тадбир ташкилотчиларидир.

– Кўргазма иш жойлари барпо этиш ва аҳолини иш билан таъминлашнинг 2010 йилга мўлжалланган дастури доирасида ўтказилмоқда, – дейди **Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг бош мутахассиси Дилбар Алимжонова**. – Дастур касаначиликни, миллий хунармандчиликни ва халқ хунармандчилигини ривожлантириш йўли билан кўп болали аёлларга янги иш жойлари яратишни назарда тутди. Бунда анъанавий хунармандчилик марказларида хунарга ўргатиш ишларини ташкил этиш, имтиёзли кредитлар бериш орқали хунарманд, чевар аёлларни қўллаб-қувватлаш йўли билан касаначилар сонини кўпайтиришга алоҳида эътибор қилинади. Бу – иккинчи кўргазма. Биринчиси ўтган йили ўтказилган ва дуруст натижалар берган эди. Унда мамлакатимизнинг турли гушаларидан келган, амалий санъат бўйича ҳар хил буюмлар тайёрловчи мингга яқин хунарманд аёл иштирок этганди. Бу соҳада эндигина иш бошлаганларга эътибор кучайтирилди, негаки бу босқичда улар кўпроқ ғамхўрликка муҳтожлар.

Иштирокчиларнинг аксарияти учун бу тадбир хунармандчилик-

ясини ташкил этиш ва бошқа кўпгина ишларнинг сир-асрорларидан воқиф бўлдилар.

Натижада етти нафар хунарманд аёл хусусий ишини кенгайтириш ва такомиллаштириш учун микрокредит олди. Бу нарса уларга уй шароитида янги иш жойларини барпо этиш, ўз қариндош-



яқинларини ишга жалб этиш имконини берди. Бошқа минтақалардан келган ҳамкасблар билан мулоқот уларга қилган ишлари, ясаган буюмларига тўғри баҳо беришни ўргатди, маҳсулот реализациясини йўлга қўйишда мадакор бўлди. Масалан, Фарғона водийсидан келган дўппидўзлар, жилоси кўзни оладиган адраслари билан донг таратган марғилонлик тўқувчилар, бежирим кўрпакўрпачалар тайёрлаган хоразмлик чеварлар ўзаро маҳсулот алмашишга ҳам келишиб олдилар.

Бу галги кўргазма декабрь ойининг охиригача давом этади. Иштирокчилар таркиби ҳар ҳафта ўзгаради. Шу зайил тадбирда тахминан минг нафар хунарманднинг иштирок этиши kutilмоқда.

Бу йил маҳсулотлар тури анча кенгайди, ранглар жилоси янада жозиба ва мафтункорлик касб этди. Чеварликда пешқадам бўлган аёллар миллий анъанавий унсурларни замонавий дизайн билан янада пухтароқ уйғунлаштиришга муваффақ бўлдилар, бозор конъюнктурасини теранроқ ҳис этдилар. Янги-янги йўналишлар ҳам пайдо бўлди. Агар ўтган йили амалда иштирокчилардан биронтаси ҳам миллий кўғирчоқлар билан шуғулланмаган бўлса, бу сафар кўргазмада миллий кўғирчоқлар кўп бўлди. Мамлакатимизга четдан «бостириб» келаётган ўйинчоқлар оқимиға бас келиш мақсади билан чевар аёлларимиз зиммаларидаги масъулиятли ролни англаб, имкониятларини ча-

малаб кўриб болаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга, эзгу ва хайрли ишларга йўналтиришга ундайдиган ажойиб ўйинчоқлар ярата бошладилар. Уларни болалар боғчалари ва мактаблар, оналар бажонидил сотиб олишмоқда. Бундай ўйинчоқлар аллақачон болаларнинг кўнглини ром этган, – деб сўзини яқунлайди **Д.Алимжонова**.

Андижонлик кўғирчоқсозлар экспозицияси – ўзбек халқ эртаклари қахрамонлари юқорида айтилган гапларга далил бўла олади. Тошкентдаги кўпгина мактабларнинг ўқитувчилари ўз ўқувчиларини кўргазмага бошлаб олиб бораётганлиги кўнгилларга равшанлик бахш этади. Миллий ўйинчоқлар олдига болаларнинг кўзи ўйнаб, қувончи ичига сиғмаслигини бир кўрсангиз эди! «Хунарманд» уюшмасининг Андижон вилоят бўлимига бошчилик қилаётган **Манзура Юсупова** учун кўғирчоқсозлик том маънода ҳаёт мазмунига айланган. У ясаган, миллий кийимда янада чирой очган кўғирчоқларни ҳар қандай қиз жон-жон деб бағрига босиб эркалаши турган гап.

Манзура Юсупова 2010 йилги «Bazar-art» кўргазма-ярмаркасида миллий кўғирчоқ тайёрлаш бўйича уста деган ном олган. Унинг айтишича, бир неча ой муқаддам вилоят хотин-қизлар кўмитаси уюшманинг вилоят бўлимига 10 та тикув машинаси ажратган. Шунинг ёрдамида иккита мини-цеҳ ташкил этишган. Биттаси тикувчилик цеҳи, иккинчиси эса миллий кўғирчоқлар тайёрлашга ихтисослашди ва... айна пайтда хотин-қизлар учун янги иш жойлари пайдо бўлди.

Уюшма вилоят бўлими фаолиятининг асосий йўналишларидан бири, **М.Юсупованинг** айтишича, бисер (майда мунчоқ) билан безатиб миллий кашта усулида тикиладиган Андижон дўппичилигини тиклаш бўлди. Каштачиликнинг унутилаёзган нақшларини тиклаш мақсадида маҳаллама-маҳалла юриб одамлардан бу борада ёрдам, маслаҳат сўралди. Сандиқларнинг аллақайси бурчагида ажодлардан мерос ва эъзозли бисот сифатида ётган дўппилар топилгач, қадимий нақш санъатиға янги ҳаёт бахш этилди. Бу сафар андижонлик чеварлар кўргазмага жилоси, гули ва нақши кўрганни мафтун этувчи сўзанани олиб келишибди. Сўзана рангларнинг гайриодатий уйғунлиги, гул ва нақшлар жойлашувидаги бетимсол мутаносиблик билан ажралиб турибди.

– Ип ва ипакларни бўяшда табиий бўёқлардан фойдаланамиз, – дейди **М.Юсупова**. – Лекин вақтлар ўтиши билан бизнинг кашталардаги ип-ипаклар жилосизланиб, рангини йўқотади. Қадимги сўзаналарда эса нақшлар, гуллар

сертароват ва жилдорлигини, тиник ва ёркинлигини йўқотмайди, гўё ҳозиргина тайёрлангандек...

«Хунарманд» уюшмасининг вилоят бўлимимиз бугунги кунда 900 нафар хунармандни бирлаштириб турибди. Халқ хунармандчилигини ривожлантириш ҳақида ҳукумат томонидан қилинаётган ғамхўрликни алоҳида таъкидлаб

намойиш этган бўлса, нуқсуслик **Несибеле Ибрагимова** билан **Наргиза Далибоева** соф қорақалпоқча каштани кўз-кўз қилдилар. Самарқандлик **Мунира Маъдиева** зардўзи маҳсулотни, унинг дугонаси **Гулнора Тоштемирова** Ургут сўзанасини, **Муқаддас Воисова** бежирим кўрпаларни, марғилонлик **Маҳбуба Тошпўлатова** ажойиб адрас намуналарини,



ўтишни истардим. Мамлакатимиз Президентининг «Халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармони (2010 йил 30 мартдаги ПФ-4210-сон) билан уй шароитида бадий хунармандчилик ва амалий санъат буюмларини тайёрлаётган, «Хунарманд» уюшмаси аъзоларига қатъий белгиланган солиқ тўлаш бўйича имтиёзлар 2012 йил 1 апрелга қадар узайтирилди. Шунинг эвазига бўшаб қоладиган маблағларни хунармандлар ўз фаолиятини ривожлантиришга йўналтирадилар.



Тошкент вилоятининг Пискент туманидан келган **Наима Бобоева** кўргазмага тикувчилик маҳсулотлари олиб келибди. Унинг ёнида туман ҳокимининг ўринбосари, туман хотин-қизлар кўмитаси раиси **Гўзал Назиркуловани** ҳам учратдик. «Билсангиз, кўргазмага кўйилган қайси маҳсулотлардан аёлларимиз фойдалана олишлари мумкин деган фикр сира ҳаёлимиздан кетмаётир, – дейди у. – Масалан, тошкентлик аёллар ток новдасидан қизиқ буюмлар тайёрлашибди, Бухоро зардўзларининг қўл меҳнати билан тайёрланган нарсалар ҳам эътиборни тортади, ангрелик каштачининг маҳсулоти ҳам улардан қолишмайди».

Хунармандларнинг маҳсулот ва буюмлари баайни кўкламнинг кўркамлигини бор фусункорлиги билан кўчириб олгандай. Қашқадарё вилоятдан **Марҳамат Кенжаева** шахрисабзча кашталарни

сурхондарёлик **Холдона Мухаммадиева** ип, ипак ва жундан қўлда тўқилган бениҳоя чиройли гиламларни намойиш этди.

Бухоролик зардўз **Робия Юнусованинг** иши, тайёрлаган маҳсулоти кўпчилик учун нақ кашфиёт бўлди дейиш мумкин. Анъанавий ажиб зардўзлик санъати билан зийнатланган маҳсулотлардан ташқари у янги усул билан тайёрланган намуналарни ҳам тақдим этди. Қизиги шундаки, кўҳна Мисрининг маликаси Нефертити постретини у шу янги усул ёрдамида тайёрлабди. Бу чевар зарип, ипак ва мулинани бирга ўраб, унинг ранго-ранглиги ёрдамида ажойиб самарага эришган. Нефертити қиёфасини тикаётганда 50 тусдаги ипдан фойдаланди. **Р.Юнусова** қарийб 40 йилдан бери зардўзлик қилади, бир пайтлар Бухоро зардўзлик фабрикасида дизайнер бўлиб ҳам ишлаган. Ҳозир ўз уйида хусусий иш билан шуғулланмоқда, шогирдлари ҳам талайгина. Унинг қўл меҳнати билан тайёрланган маҳсулотлар хунармандларнинг кўпгина анжуманларида, шу жумладан ЮНЕСКО томонидан Парижда ташкил этилган кўргазмада тақдирланган. Бухоронинг рамзи – Минораи Калон тасвирланган панно устида ишлаётганида 27 турдаги усулдан фойдаланибди. Қадимги усулни қўллаб, соҳибқирон Амир Темур портретини бу чевар нақ бир йил мобайнида яратди. «Бахт куши» деган гилам тайёрлашда эса зардўзликнинг 80 дан ортиқ усулини ишга сола билди.


... Кўргазманинг яқуни ҳам қизиқ бўлди. Кўргазма залиға кираверишдаги кўм-кўк ялангликда 13-мактаб ўқувчилари учун расм дарси бўлаётган экан. Болалар альбомларни ёйиб, бўёқларни тайёрлаб кўргазмадан олган таассуротларини баҳор нафосати билан қиёслаган ҳолда расм чизмоқда эдилар. Баркамол авлод йили деб эълон қилинган йилга хос бу чизги кўргазмадан олинган таассуротни мангу қилиб муҳрлади ҳисоб...

Ирина ГРЕБЕНКОВА
муҳбиримиз.
Муаллиф фотолари.



нинг янгидан-янги кирраларини ўзлаштиришда яхши омил бўлди. Бундан ташқари, мамлакат пойтахтининг нуфузли кўргазма залларида ўз буюмингни намойиш этиш ҳам катта гап. Бошқаларнинг ишига разм солиш ва ўзинг тайёрлаган маҳсулотга бошқача кўз билан қараш хунарманддан маҳоратни янада оширишни талаб этади, уни янги йўналишларни ўзлаштиришга ундайди, ўзига бўлган ишончни кучайтиради. Одам танлаган йўли тўғри эканлигини ич-ичидан ҳис қилади.

Тадбир иштирокчиларининг деярли ҳаммаси «Хунарманд» халқ хунармандлари уюшмасига аъзо бўлди. Кўргазма доирасида ўтган йили аёллар учун таълим йўналишидаги тренинглар, моҳирлик сабоқлари ўтказилди. Уларда иштирокчилар бизнес-режа ишлаб чиқишни ўргандилар, кредитлар олиш, маҳсулотнинг реализаци-




ТОП


ЭНГ ЯХШИСИНИ ТОП!

«Норма маслаҳатчи» N 20 (253) 2010 йил 18 май

МДХдаги ЭНГ ЙИРИК ИШЛАБ ЧИКАРУВЧИЛАРДАН БИРИ



**АНДИЖОН
КАБЕЛЬ
ЗАВОДИ**



ТОВАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН

**РЕАЛ НАРХЛАР БЎЙИЧА
СИФАТ ВА КАФОЛАТ**




Тошкент ш., Қибрай (собиқ М.Жалил) кўч., 92. Тел.: 150-11-77 (кўп тармоқли), 150-55-66 e-mail: tashkent@ak.uz, www.cable.uz



**САМАРАЛИ ҲУЖЖАТ АЙЛАНИШИ
ВА ТЕЗКОР БОСМА УЧУН ЕЧИМЛАР**

- ✓ Konica Minolta нинг тўлиқ рангли ва монохром копирлари, принтерлари, кўп функцияли офис тизимлари, сермахсул босма тизимлари
- ✓ RISO рақамли мини-босмаҳоналар, матбаа ускуналарининг кенг доираси
- ✓ ACCO Brands офис ускуналари
- ✓ Персонал компьютерлар ва лицензион дастурий таъминот



Товар сертификатланган

- Фойдаланишнинг бутун даврига кафолат, техник кузатув
- Оригинал сарфлаш материаллари ва бутловчи буюмлар

ATK TURON – Konica Minolta, RISO, ACCO Brands нинг расмий ҳамкори
Тел./факс: 237 47 00, 237 48 00. E-mail: info@atcturon.uz. www.atcturon.uz

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш Давлат қўмитаси «Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ ва унинг вилоят филиалларида бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

I. РКМБ Фарғона вилоти филиалининг аукцион савдосига: Ёзёвон туман СИБ томонидан 12.02.2009 йилдаги 15-08-04/32028-сонли ижро ҳужжати асосан хатланган Ёзёвон тумани, Баҳром м.ф.й., Андижон кўчасида жойлашган «Мат-луботсавдо» МЧЖга қарашли идора бино-иншоотлари қўйилмоқда. Қурилиш ости майдони – 2 652,81 кв. м, фойдали майдони – 1 250,14 кв. м. Бошланғич баҳоси – 110 411 851 сўм.
Аукцион савдоси 2010 йил 17 июнь кuni соат 11.00 да бўлиб ўтади.
Талабдорлар диққатига! Юқоридagi бино-иншоотлар 2010 йил 17 июндаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, мазкур бино-иншоотларни сотиш юзасидан такрорий аукцион савдоси 2010 йил 6 июль кuni соат 11.00 да бўлиб ўтишини маълум қиламиз. Аукцион савдоси юзасидан барча маълумотларни 8-373-224-68-70 телефон рақами ёки биржанинг www.rkmb.uz расмий вебсайти орқали олишингиз мумкин.
Аукцион савдосида қатнашиш учун талабдорлар савдо ташкилотчиси билан тузилмаган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10-фониздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБ Фарғона вилоти филиалининг АТ «Халқ банки» Фарғона вилоти филиалидаги қўйидаги ҳисобрақамига тўлашлари шарт: МФО: 00497, ИНН: 200933850, х/р: 20210000700571452023. Манзил: Фарғона ш., М.Қосимов кўчаси, 35-уй.

II. РКМБ Хоразм вилоти филиалининг аукцион савдосига: Урганч шаҳар СИБ томонидан қўйидаги мол-мулклар қўйилмоқда: 1. 23.03.2009 йилдаги 1032-сонли, 30.03.2009 йилдаги 1583-сонли, 05.08.2009 йилдаги 6757-сонли ижро варақчаларига асосан «Хоразмқурилиш» ОАЖга қарашли бўлган, Урганч шаҳри, Й.Бобожонов кўчаси, 8-уйда жойлашган, умумий ер майдони – 2 305,5 кв. метрни, шундан қурилиш ости ер майдони – 1 288,88 кв. метрни ташкил қилган маъмурий бино ва иншоотлари. **Бошланғич баҳоси – 252 917 678 сўм.**
2. 11.05.2009 йилдаги 2483-сонли ва 26.01.2009 йилдаги 17708-сонли ижро варақчаларига асосан «Хоразм вилот МТП бирлаш-

маси» ОАЖга қарашли бўлган, Ҳонқа кўчаси, 36/2-уйда сақланаётган қўйидаги техникалари: – «Кейс-2166» русумли 1997 йилда ишлаб чиқарилган 17-57 ЕН давлат белгилли техник соҳ ҳолатидаги комбайн. **Бошланғич баҳоси – 84 824 067 сўм.** – «Кейс-2166» русумли 1997 йилда ишлаб чиқарилган 17-58 ЕН давлат белгилли техник соҳ ҳолатидаги комбайн. **Бошланғич баҳоси – 84 824 067 сўм.**
3. 04.01.2008 йилдаги 8023н-сонли ижро варақасига асосан «Хоразм автойўл» махсус йўл ҳўжалиги пудрат таъмирлаш фойдаланиш давлат корхонасига қарашли бўлган, Урганч шаҳар, Хива шоҳқўчаси, 1 км жойлашган, умумий ер майдони – 32 792,37 кв. метрни, қурилиш ости ер майдони – 4 940,34 кв. метрни ташкил қилган автобаза бино ва иншоотлари.
Бошланғич баҳоси – 186 667 706 сўм.
4. 16.03.2007 йилдаги 370-сонли, 05.10.2007 й. 6262-сонли, 31.12.2007 й. 7075-сонли, 04.08.2008 й. 3894-сонли, 23.09.2008 й. 4918-сонли, 17.10.2008 й. 7707-сонли, 25.11.2008 й. 9892-сонли, 11.05.2009 й. 2483-сонли ижро варақчаларига асосан, «Хоразм вилоти МТП бирлашмаси» ОАЖга қарашли бўлган, Урганч шаҳар, Ҳонқа кўчаси, 36/2-уйда жойлашган, умумий ер майдони – 3 920,53 кв. метрни, шундан қурилиш ости ер майдони – 569,38 кв. метрни ташкил қилган маъмурий бино, ҳўжатхона биноси, чорбоғ девори атрофидаги асфальт майдонлар, йўлаклар, телефон алоқиси минораси ва қурилиш ости ер майдони – 189,02 кв. метрни ташкил қилган меҳмонхона биноси.
Бошланғич баҳоси – 201 159 218 сўм.
5. 23.11.2009 йилдаги 11870-сонли ижро варақасига асосан «Хоразмқурилиш» МЧЖга қарашли бўлган, Урганч шаҳри, И.Додов кўчаси, 114-уйда жойлашган, қурилиш ости ер майдони – 9 350 кв. метрни ташкил қилган тайёр маҳсулотлар сақлаш омбори. (6 та мостовой кран, 68 та бетон устун, 1080 п/метр темир балка, 11 донна темир боллама, 12 донна темир зиналари-дан иборат). **Бошланғич баҳоси – 417 375 879 сўм.**
Аукцион савдоси 2010 йил 1 июнь кuni соат 11.00 да бўлиб ўтади.
Талабдорлар диққатига! Юқоридagi мулклар 2010 йил 1 июндаги

аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, сотилмаган мулкларни сотиш юзасидан такрорий аукцион савдоси 2010 йил 17 июнь кuni бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.
Аукцион савдоси юзасидан барча маълумотларни 8 (362) 226-43-64 телефон рақами ёки биржанинг www.rkmb.uz расмий вебсайти орқали олишингиз мумкин. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабдорлар савдо ташкилотчиси билан тузилмаган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10-фониздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг Хоразм вилоти филиалидаги қўйидаги ҳисобрақамига тўлашлари шарт: 20210000700571452056, АТИБ «Ипотека» банки «Тинчлик» филиали, МФО: 00580, ИНН: 200933850. Манзил: Хоразм вилоти, Урганч шаҳри, Й.Бобожонов кўчаси, 23-уй. Телефон: 226-32-63, факс: 224-36-97.

III. РКМБ Андижон вилоти филиалининг аукцион савдосига: Қўрғонтепа тумани СИБ томонидан такроран 2008 йил 18 августдаги 17-0808-4520 сонли ижро варақасига асосан хатланган Қўрғонтепа тумани, Навоий массиви, Мустиқлик кўчасида жойлашган Қўрғонтепа туман МТП АЖга тегишли маъмурий бино, соябон, қоровулхона, навес ёғоч, ёрдამчи бино, ҳўжатхона, по-жарний, ҳўвус, омбор, таъмирлаш цехи, навес темир, омбор бино-иншоотлари, асфальт майдони, дарвозалари ва қўрғон девор-лари билан қўйилмоқда, фойдаланиш майдони – 17 183,57 кв. м. Бошланғич баҳоси – 133 300 312 сўм.
Аукцион савдоси 2010 йил 8 июнь кuni соат 11.00 да бўлиб ўтади.
Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабдорлар мулк бошланғич баҳосининг 10-фониздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБ Андижон вилоти филиали «Асакабанк» вилот бўлими МФО: 00069, ИНН: 200933850, х/р: 22622000200571452003 га тўлайдилар. Манзил: Навоий шоҳқўчаси, 30-уй. Телефон: (8-374) 224-48-53.

IV. РКМБ Самарқанд вилоти филиалининг аукцион савдосига: суд ижрочилари Самарқанд шаҳар бўлими томонидан

ЖИБ Тошкент вилот судининг 2009 йил 20 январдаги 2-164-08-сонли ижро варағига асосан хатланган Самарқанд шаҳар, М.Қошғарий кўчаси, 82-уйда жойлашган, қурилиш майдони 689,65 кв. м бўлган қурилиш тугалланмаган савдо маҳсулоти такроран 10-фониз арзонлаштирилган нарҳда қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 401 448 960 сўм.
Аукцион савдоси 2010 йил 1 июнь кuni соат 11.00 да бўлиб ўтади.
Талабдорлар диққатига! Ушбу мулк 2010 йил 1 июндаги аукцион савдосида сотилмай қолган тақдирда унинг такрорий аукцион савдоси 2010 йил 18 июнь кuni бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.
Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабдорлар савдо ташкилотчиси билан тузилмаган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10-фониздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБ Самарқанд вилоти филиалининг АТ «Турон» банк Самарқанд шаҳар филиалидаги қўйидаги ҳисобрақамига тўлашлари шарт: х/р 20210000300571452123, МФО: 00282, ИНН: 200933850. **МАН-ЗИЛ:** Самарқанд шаҳар, Бўтонсарой кўчаси, 85-А-уй. Тел. (8-366) 233-80-56.
Юқорида кўрсатилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабдорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.
Диққат!
Республика Кўчмас мулк биржаси ва унинг худудий филиаллари бюджет ташкилотлари ҳамда давлат унитар корхоналари мол-мулкларининг оммавий савдоларини ташкил этишини алоҳида маълум қилади.
Оммавий савдолар мулк эгасининг ихтиёрига қўра бевосита жойларга чиқиб ўтказилиши мумкин.
www.rkmb.uz Лицензия: ДВ 001 №000004.

ЭНЕРГИЯНИ ТЕЖАШ МАҚСАДИДА

QUVVAT® ишлаб чиқаради

Узбекистон бозорига 12 йил

ЭЛЕКТРОН СУВ ҲИСОБЛАГИЧЛАР ИССИҚЛИК ҲИСОБЛАГИЧЛАР SUMMATOR-3

Товарлар сертификатланган Хизматлар лицензияланган

Ангрен ш. +(99870) 662 44 77, +(99893) 182 46 57, Тошкент ш. +(99898) 300 22 67
E-mail: sales@quvvat.uz, web-site: www.quvvat.uz

112-09

«Интеграл стар» ХК таклиф қилади

«ЕҒОЧ-ТАХТА МАТЕРИАЛЛАРИ»

ассортиментда

Хизматлар лицензияланган

Тўлов - исталган шаклда

Тел. 303-16-46, факс 274-66-77

Ташкилот нақд пулсиз ҳисоб-китоб йўли билан қўйидагиларни сотади

◆ **ТИҚИНЛИ АРМАТУРА: ЗУЛФИНЛАР, ВЕНТИЛЛАР, КЛАПАНЛАР, ЗАТВОРЛАР, КОНДЕНСАТ ҚАЙТАРГИЧЛАР, КРАНЛАР** (зангламайдиған, пўлат, чўян, алюминий, пластмассадан, гуммирланған)

◆ **ЛИФТЛАР 100 дан 5000 кг гача** (йўловчи, юк ташувчилар)

◆ Фавворали арматура φ 65/350
◆ Насос X-250-200-315 Т,
X-200-150-500 К-СД-УЗ ПНС-500/10
◆ Электр қўлда ишлайдиган насослар
◆ МСК 1000/350
◆ Электр таллар, кран-балкалар (қўлда ишлайдиган, электр)

◆ КТЦ, УКВ, КТН сановат кондиционерлари
◆ Дизель кўчма электр станцияси 60 кВт
◆ Муз генератори (30x30 мм ли кубиклар)
◆ «Россиянка» электр плиталари (4 конфоркали, духовкиси бор)
◆ Сув, бугда ишлайдиган калориферлар, КИД, КВУ клапанлари
◆ Гидрантлар, ўт ўчирувчилар ёнглари

Тел./факс 273-83-86, 273-95-90, 175-81-56 (уяли). E-mail: kaspi64@bk.ru

«UNIKS-STAR» МЧЖ

НАСОСЛАР

чуқурликлар учун ЭЦВ 4, 6, 8, 10 туридаги
дренаж учун ГНОМ туридаги
К туридаги, Консоль
«КАСКАД» ҚЎЗ

ВК туридаги, Вихрли
ЦМК туридаги фекаль
«Андижанец» насоси

189-10
Товар сертификатланган

ТЕЛ.: 253-97-60, 188-98-38, WWW.NASOS.UZ

Рўйхатлар

Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2010 йил 2 апрелдаги 10-1007/3873-сонли ҳал қилув қарорига асосан Шайхонтоҳур туманидаги «NAFIS YUKSOLISH» МЧЖ банкрот деб эътироф этилди ва тугатишга оид ишлар бошланди. Мазкур корхона бўйича тугатиш бошқарувчиси этиб Шайхонтоҳур туман ДСИ ходими Д.Ишметов тайинланган. Корхонага тегишли бўлган муҳр ва бурчак штамплари бекор қилинди. Ушбу корхонага алоқадор шахс ва корхоналарнинг мурожаатлари 2 ой давомида қўйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, 100011, А.Навоий кўчаси, 7а-уй, 307-хона. Тел. 241-30-86.

Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2010 йил 8 апрелдаги 10-1009/14822-сонли ҳал қилув қарорига асосан Чилонзор туманидаги «DOL-SYSTEMS» МЧЖ банкрот деб эълон қилинди ва тугатишга оид ишлар бошланди. Тугатиш бошқарувчиси этиб Чилонзор туман ДСИ ходими С.Хасанов тайинланган. Ушбу корхонага алоқадор шахс ва корхоналар 2 ой муддат давомида ўз мурожаатларини Тошкент ш., Бунёдкор кўчаси, 51а-уй, Чилонзор туман ДСИ биносига билдиришлари мумкин. Корхонанинг думалоқ ва бурчак шаклидаги муҳр ва штамплари бекор қилинди.
Тел.: 276-98-22, 276-98-24.

Тошкент вилоти ҳўжалик судининг 2009 йил 29 апрелдаги 11-0906/21831(19)-сонли ажримига асосан «Ҳақиқат» МЧЖ банкрот деб топилди ва тугатишга доир иш юритиш бошланди. Тугатувчи бошқарувчи этиб А.Анарқулов тайинланган.
Тел. +99897419-90-07, e-mail: alisher1957@mail.ru.

“Аудит-ВАРН” МЧЖ
аудиторлик ташкилоти

ЎЗБЕКИСТОННИНГ БУТУН ХУДУДИДА, БҲМС ВА МҲС БЎЙИЧА ИСТАЛГАН ТУРДАГИ АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ

2008 йил 16 майдаги 000172-сон лицензия

Тел.: 8(371) 2762099,
уяли: +998971192248
Тошкент ш., Бунёдкор кўч., 42
Тошкент вил., тел. +998974541664

“NAZORAT-AUDIT” МЧЖ
аудиторлик ташкилоти

МБнинг 28.07.2008 йилдаги 00067-сон лицензияси

Барча ҳўжалик юритувчи субъектларнинг аудиторлик текширувлари

Хизматлар халқаро малакага эга аудиторлар томонидан кўрсатилади

e-mail: nazorat_audit@mail.ru
8-371-2794716, +99897 402-05-00
+99869 258-57-97, +99897 340-98-62
8-371-2794401

УЭР АВнинг 12.01.2005 йилдаги 991-сонли гувоҳномаси,
28.03.2008 йилдаги 00642-сонли лицензия.

“AMIR-AUDIT” МЧЖ

- Ҳамма турдаги аудиторлик хизматлари
- Бухгалтерия ҳисоботи ва баланс тузиш

Устав капиталими - УЭРдаги 5000 ЭКИХдан ортик

САР сертификатига эга аудиторлар керак.

Тел.: 409-04-23. Факс: 294-77-48

“AUDIT INCOME” МЧЖ

барча ҳўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувлари ўтказамиз

Н1375

БАРЧА ТУРДАГИ ХИЗМАТЛАР:

- аудиторлик
- солиқ солиш
- консалтинг
- тиклаш

Бухгалтерия ҳисобини йўлга қўйиш, “1С: Бухгалтерия”, шунингдек янги барпо этилаётган ташкилотлар учун хизматлар ва бошқа малакали хизматлар.

Манзил: Тошкент ш., Сарабўстон кўч., 3а, 2/15 корпус

тел.: (+99871) 256-25-18, 254-06-08

e-mail: inkam_co@mail.ru www.audit-income.uz

| ЭЪЛОНЛАР | ЭЪЛОНЛАР | ЭЪЛОНЛАР |
|---|--|---|
| <p>ИШ</p> <p>Бош бухгалтер иш қидирмоқда. Тел. 438-45-01.</p> <p>Аудиторлик ташкилоти қўйидаги лавозимларга танлов эълон қилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> - директор ўринбосари, - аудит бўлими раҳбари. <p>Аудитор ёрдамчилари, солиқ солиш ва бухгалтерия ҳисоби бўйича мутахассислар керак. Тел.: 156-95-52, 150-44-36. E-mail: flagman_00@mail.ru.</p> | <p>БУХГАЛТЕРИЯ ХИЗМАТЛАРИ</p> <p>Бухгалтерия ҳисобини (1С: АС) тиклаш ва автоматлаштириш. Баланс. Маслаҳатлар. Тел. 400-16-25.</p> <p>Баланслар. Маслаҳатлар бериш. Тел. 100-65-80.</p> | <p>ХИЗМАТЛАР</p> <p>“QURILISH KOMP” МЧЖ Транспорт терминали хизматлари (21.04.10 й.даги 787-ТГ-2010-сон реестр) Божхона оморидида сақлаш – суткасига бир тонна учун 251,00 сўм, ҚҚСсиз Чорпоя кранда юклаш/тушириш хизматлари – соатига 19 871,00 сўм, ҚҚСсиз. Темир йўл шохобчасидан фойдаланиш – 1 вагон учун 1 611,00 сўм ҚҚСсиз. Хизматлар ҚҚС ҳисобга олинган ҳолда кўрсатилади.* Тел.: 283-39-94, 283-39-95.</p> <p>Қурилиш ташкилоти қўйидаги ишларни бажаради: сугориш тизимлари, газонлар, ландшафт дизайни, объектларни газлаштириш.* Тел. 344-98-00.</p> <p>Видео-, фотосуратга олиш.* Тел. (+99897) 709-20-17.</p> |
| <p>АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАРИ</p> <p>Аудиторлик, бухгалтерия хизматлари.* Тел.: 370-63-06, 263-77-29.</p> | | |
| <p>ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР</p> <p>ADVOKAT ELITE. Судларда вакиллик қилиш. Корхоналар, ваколатхоналарни рўйхатдан ўтказиш, қайта ташкил этиш, тугатиш ва уларга юридик хизмат кўрсатиш.* Тел.: 343-41-56, 448-74-69.</p> | | |
| <p>Кўчмас мулк бўйича юрист маслаҳатлари. Кадастр.* Тел. 448-74-69.</p> | | |

***Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2010 йил 4 майдаги ҳал қилув қарорига асосан Учтепа туманидаги тугатилаётган корхоналар РЎЙХАТИ**

| Корхона номи | СТИР | Рўйхатга олинган рақами ва санаси | Юридик манзили | Қарор рақами |
|---------------------------|-----------|-----------------------------------|-------------------------------|--------------------|
| “HELAL ZIYAFET” МЧЖ | 300304443 | 001439-01 26.02.07 | Чилонзор Г9А-4-17 | 10-1017/6171 |
| “MUZAFFAR OMAD NET” ХК | 301046463 | 002668-01 30.01.09 | Курувчи 6-тор кўч., 18 | 10-1017/6170 |
| “ASIL POKIZA TAOMLARI” ХК | 301200675 | 002926-01 26.05.09 | Шамсия кўч., 52 | 10-1017/6173(21)-т |
| “SIGNAL PAXTA” МЧЖ | 203022068 | 1401 30.09.99 | Чилонзор-26, 36 | 10-1017/6172(21)-т |
| “PARDOZ-BINOKOR” ХК | 300115322 | 001341-01 02.01.2007 | Зарафшон | |
| “AMBROSSIYA ART ND” МЧЖ | 300048191 | 001273-01 09.11.06 | 6-тор кўч., 24 | 10-1017/6176(21)-т |
| “IRINA GRATSIYA” ХК | 201005864 | 888 24.05.99 | Чилонзор 25-11-30 | 10-1017/6174(21)-т |
| “MEVA SABZAVOT PLYUS” ХК | 205419765 | 000525-01 08.02.05 | Фарҳод савдо растаси, 2-қатор | 10-1017/6175(21)-т |
| | | | Чилонзор-30, 23а | 10-1017/6177(21)-т |

Мазкур корхоналарнинг тўртбурчакли тамгалари ва думалоқ муҳрлари ҳақиқий эмас деб ҳисоблансин. Даъволар эълон қилган кундан бошлаб 2 ой муддат давомида Учтепа тумани Ҳокимияти биноси, 3-қават, 4-хонада қабул қилинади.

Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2009 йил 3 июлдаги 10-0909/7309-сонли ҳал қилув қарорига асосан Миробод туманидаги “SINGLES SILK” КК МЧЖ (СТИР 300628919; рўйхатга олинган қарор санаси ва рақами: 26.11.07 – 808; манзили: Д.Кунаев кўч., 35-уй; ХТУТ 22104467) ҳамда 2010 йил 23 мартдаги 10-1005/3383-сонли ҳал қилув қарорига асосан “NCI PROJECTS INC” ШК (СТИР 203351284; рўйхатга олинган қарор санаси ва рақами: 08.08.00 – 0031789; манзили: Нукус кўч., 89-уй; ХТУТ 17817358) тугатиш ишлари бошланган. Мазкур корхоналарнинг таъсис ҳужжатлари, давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномалари, думалоқ муҳр ва бурчак штамплари, шунингдек белгиланган тартибда давлат архивига топширилиши лозим бўлган бошқа ҳужжатлари бекор қилинади. Кредиторлар 2 ой мобайнида Тошкент ш., А.Темур шохкўчаси, 6-уй, Тошкент шаҳар Ҳокимлиги Корхоналарни тугатиш доимий ишловчи махсус комиссиясига мурожаат қилишлари мумкин.

Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2010 йил 28 апрелдаги қарорларига асосан Шайхонтохур туманидаги тугатилаётган корхоналар РЎЙХАТИ

| Корхона номи | СТИР | Рўйхатдан ўтган санаси ва рақами | Директор | Юридик манзили | Қарор рақами |
|------------------------------|-----------|----------------------------------|----------------|--|----------------|
| “ALINARUS-NEO” ХФ | 204705553 | 29.10.2003 000016-09 | Ж.Ҳамидов | Навоий савдо растаси | 10-1007/5877-т |
| “BAHODIR O'G'LI BAXTIYOR” ХФ | 204746566 | 15.12.2003 000061-09 | М.Абдурасулова | Бобур кўч., 27 | 10-1007/5892-т |
| “AS-NUR-SHIFO FARM” ХК | 206787364 | 13.09.2006 1478-09 | Н.Исроилов | А.Зулфихонов кўч., 13 | 10-1007/5885-т |
| “ARB-VAHOB NUR” | 300419290 | 20.04.2007 001822-09 | - | Уйғур кўч., 59 | 10-1007/5884-т |
| “ARHITEX DESIGN” | 300813253 | 22.04.2008 002538-09 | - | Ўзбекистон кўч., 16а | 10-1007/5886-т |
| “AL MAG'RIB TEKS” | 300965642 | 20.10.2008 002908-09 | М.Исломов | Қоратощ мавзеси, 12-9 | 10-1007/5887-т |
| “JAM GOLD BIZNES” | 301113546 | 25.03.2009 003198-09 | - | С.Айний кўч., 7 | 10-1007/5888-т |
| “POYTAXT KAFOLAT” | 300976684 | 04.11.2008 002942-09 | - | Уйғур кўч., Жалолобод ўтар кўч., 69а | 10-1007/5880-т |
| “INTER GRAND” | 301020630 | 06.01.2009 003039-09 | Ф.Саидахмедов | Аэропланная кўч., 12 | 10-1007/5889-т |
| “SUNNATILLO-SAVDO” ХК | 205180418 | 28.07.2004 336-09 | А.Азизов | Чорсу буюм бозори худудида | 10-1007/5890-т |
| “XAN DEKOR” | 300685026 | 18.01.2008 002313-09 | Ҳ.Зоҳидов | Белтепа, 11-141 | 10-1007/5878-т |
| “SHERZODALI TAOM” | 300711150 | 07.02.2008 002358-09 | - | Туркқўргон кўчаси, 9-уй, 2-респуб. тиббиёт маркази | 10-1007/5891-т |
| “ELEMENTAL” | 300835534 | 15.05.2008 002596-09 | - | 2-Ахил ўтар кўч., 12 | 10-1007/5894-т |
| “SHAYXONTOXUR GO'SHT SUT” | 301191070 | 19.05.2009 003323-09 | Р.Юнусов | Т.Расулов кўч., Меҳнаткаш берк кўч., 716 | 10-1007/5893-т |

Мазкур корхоналарнинг думалоқ муҳр ва штамплари бекор қилинади. Дебитор ва кредитор даъволари эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой муддатда махсус комиссия томонидан Тошкент ш., А.Қодирий кўчаси, 7а-уй манзили бўйича жойлашган Шайхонтохур тумани Ҳокимияти биносининг 2-қаватидаги Тадбиркорларни рўйхатга олиш хонасида қабул қилинади. Тел. 241-87-45.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАҲАТЧИ

СОЛИКЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ
ҲУҚУҚ

ТАЪСИСЧИ “Norma Hamkor” МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.

БОШ МУҲАРРИР
ФАРҲОД ҚУРБОНБОЕВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1
E-mail: sbxahbor@mail.ru

Нашр учун масъул:
Нодир Алимов

Муаллифлар фикри доим ҳам тахририят нуқтаи-назарига мос келмавермайди.
Тахририят огоҳлантирадиги, газетамизда мавжуд ахборотдан фойдаланганлик, фойдаланмаганлик ёки мувофиқ равишда фойдаланмаганлик билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатлар ва/ёки оқибатлар учун тахририят жавобгар эмас. Тахририят муштарийлар билан ёзишиб туриш имкониятига эга эмас.

“Норма маслаҳатчи” да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат “Норма” МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Газета тахририят томонидан тайёрланган диапозитивлар ёрдамида “ТОРПРИНТ” МЧЖ босмахонасида босилди (Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).
Индекс – 186 Буюртма 581 Алади 5320. Баҳоси келишилган нархда
Газета 2010 йил 14 майда соат 20.00 да топширилади.
ISSN 2010-5223